



О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI HOKIMINING FARMOYISHI

220100, Urganch shahri, Al-Xorazmiy ko‘chasi, 29-uy, tel: (62) 223-00-42, fax: 223-00-22

2022 - yil 23 - aprel

119-12-0-F/22

Xorazm viloyati hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш орқали бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш бўйича видеоселектор йиғилишлари ўтказилиб, бугунги кунда дунё ҳамжамиятида содир бўлаётган воқеалар сабабли жаҳон бозорида озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи кескин ўсиб бораётганлигини инобатга олиб, ички бозорларда нарх-наволар барқарорлигини таъминлаш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва етиштириш тўғрисида.

Бугунги кунда вилоятда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ишлар талаб даражасида ташкил қилинмаяпти. Хусусан, сабзавот экинларини экиш ишлари белгиланган графикага нисбатан орқада қолмоқда. Асосий майдон ва боғ-қатор ораларига картошка 5,5 минг гектар ўрнига 3,7 минг гектар (режага нисбатан 67,3%), пиёз 2,6 минг гектардан 1,2 гектарга (46,7%), сабзи 3,4 минг гектардан 1,0 минг гектарга (31,4%), полиз маҳсулотлари 10,9 минг гектардан 1,3 минг гектарга (11,8%), мойли экинлар 3,9 минг гектардан 2,4 минг гектарга (63%) экилган.

Бугунги кунга қадар 2 минг 500 гектар интенсив боғлардан **701 гектарига** кўчатлар экилган, холос.

Шунингдек, ҳудудларда 2022 йил ҳосили учун чигит экиш ишлари белгиланган режа-графиклардан орқада қолмоқда, ғалла парваришидаги агротехник тадбирлар ҳам айрим ҳудудларда сифатсиз бажарилиб, кўшиб-ёзиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Жорий йилнинг 1-чорагида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари белгиланган прогноз кўрсаткичларига нисбатан кам бажарилган. Хусусан, **гўшт 900 тоннага** (39,5 минг тонна ўрнига 38,6 минг тонна), **сут 2,7 минг тоннага** (213,5 минг тонна ўрнига 210,8 минг тонна), **тухум 11,1 млн донага** (112,0 млн. дона ўрнига 100,9 млн. дона), **балиқ 700 тоннага** (1,3 минг тонна ўрнига 0,7 минг тоннага) **кам ишлаб чиқарилган.**

Шунингдек, чорвачилик, паррандачилик, қуёнчилик ва асаларичилик лойиҳаларини амалга ошириш ишлари ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилиб, мониторинг-

назорат ишларига совуққонлик билан ёндашилмоқда.

Вилоят ишчи гуруҳи томонидан туманларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги ўрганилганда Тупроққалъа туманида бир қатор камчиликлар ва ҳисоботда қўшиб кўрсатиш ҳолатлари аниқланган.

Туман бўйича 2022 йил ҳосили учун чигит экиш режаси 4 минг гектар бўлиб, ҳисоботда экилган майдон 2 минг 835,6 гектар деб кўрсатилган. Амалда чигит экилган майдон эса 2 минг 200,2 гектарни ташкил қилиб, 635,4 гектар ҳисоботга қўшиб кўрсатилган. Гурлан массивидаги фермер хўжаликлари томонидан 155,9 гектарда чигит экиш ишлари бошланмаган.

Сабзавот ва мойли экинларни экишда ҳам қўшиб ёзишларга йўл қўйилган, хусусан, ҳисоботларда экилган майдонга нисбатан пиёз 3,1 гектар, соя 20,2 гектар, картошка 59 гектар ортиқча кўрсатилга бўлса, сабзи 30,9 гектар кам кўрсатилган.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамда Тупроққалъа туманида кўрсатилган камчиликларни бартараф қилиш, ушбу ҳолатлар қайта такрорланмаслигининг олдини олиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва етиштириш бўйича белгиланган чора-тадбирларни ўз муддатларида бажарилишини таъминлаш ҳамда барча даражадаги раҳбарларнинг масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари К.Сабилов қишлоқ хўжалигида амалга оширилиши белгилаб берилган топшириқ ва вазифаларни бажаришда йўл қўйган камчиликлари учун, Тупроққалъа тумани ҳокими А.Салаев 2022 йил ҳосили учун чигит ва бошқа экин турларини экиш ишларида ҳисоботларда қўшиб-ёзишга йўл қўйганлиги ҳамда баҳорги қишлоқ хўжалиги ишларига масъулиятсизлик билан ёндашиб, ўзларига топширилган вазифаларни лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддасига асосан **“Ҳайфсан”** эълон қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари К.Сабилов Тупроққалъа туманида кўрсатилган барча камчиликлар бартараф этилгунга қадар Тупроққалъа туманига хизмат сафарига юборилсин.

3. Хизмат сафари давомида К.Сабиловга Тупроққалъа тумани ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари вазифасини бажариш юклатилсин.

4. Ушбу фармойишнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими



Ф.Эрманов